

Хабар

16
(917)-son

16-aprel

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

О'ЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ

1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

Ахборот технологиялари ва тизимлари турмуш тарзимиз билан шу даражада уйғунлашиб кетдики, бугунги кунга келиб уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Бир томондан, охириги ўн йилликда АКТни ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларига татбиқ этиш, жамиятнинг ҳар бир жабҳасига киритиш бўйича давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан қабул қилинган бир қатор меъёрий ҳужжатлар, иккинчи томондан, интернет глобал тармоғининг кенг имкониятлари мазкур жараённинг ривожланишига асосий туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Статистика маълумотларига кўра, мамлакатимизда интернет абонентлари сони 2009 йил нихояланишида 2,74 млн. нафарни ташкил этган. Рақамларга назар солсак, тармоқдан фойдаланишни хоҳловчилар сонининг ўсиш суръати йилдан-йилга ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Ўз навбатида, таълим муассасаларида ҳам АКТ, интернет тармоғидан фойдаланишни кенг жорий этиш, ўқитиш жараёнига замонавий технологияларни киритишнинг жадал давом этиши натижасида мамлакатимизда ўз дастурий маҳсулотлари ва лойиҳаларини яратаётган дастурчилар сони сезиларли даражада кўпайди.

12-бет


«Ёшлар ва ахборот технологиялари» танловига



http://www

Дастурчилар портали:

**ЁШ МУТАХАССИСЛАРГА
ИМКОНИЯТ!**



ZiyoNET ТАРМОҒИДА Tanlov.uz САЙТИ ИШГА ТУШДИ

ZiyoNET ахборот ресурс тармоғи ушбу тармоқдан фойдаланувчиларнинг имкониятини кенгайтиришда давом этмоқда. Шу мақсадда янги Tanlov.uz сайти ишга туширилди.



Tanlov.uz — ўтказилаётган танловлар, талабаларни, ёш мутахассисларни қўллаб-қувватловчи грант, стипендия, тадбирлар ҳақида маълумотга эга бўлишни хоҳлаганлар учун маълумотлар жамланган сайт ҳисобланади.

Ушбу сайтнинг ўз олдига қўйган асосий вазифаси — республикада ўтказилаётган танлов, тадбир, грантлар ҳақида маълумотлар бериб бориш.

Сайтдаги маълумотлар ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилган бўлиб, сайт маъмуллари томонидан доимий равишда янгиланиб борилади.

Tanlov.uz сайтида ўтказилаётган танлов ёки тадбир ҳақида сайт маъмулларида хабар қолдириш имкони бор. Бунинг учун танлов ташкилотчиси ўтказилаётган тадбир ҳақида “Хабар қолдириш” бўлимида керакли ўринларни тўлдириб маълумот жўнатиши мумкин.

ziynet.uz




Сўнги янгилик!

Алоқа оламида:

Жаҳондаги энг оммавий график муҳаррири — Adobe Photoshopнинг яратилганига 20 йил тўлди. Photoshop 1990 йилдан эътиборан графиканинг барча йўналишлари: веб-дизайн, рақамли суратларга ишлов бериш, тасвирий санъат ва бошқа соҳаларда етакчи поғонага кўтарилди.

Бугунги кунда ҳам Adobe Photoshop тасвирга оз вақтда соз ишлов бериши, имкониятларининг кўплиги билан энг етакчи дастурий маҳсулотлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.



Ушбу сонда:

- АКТ ва журналистика 2
- UCELLнинг хайрия акцияси 3
- Международный семинар 6
- 2015 йил: Онлайн Финляндия 11
- Билимингизни синаб кўринг 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

— сифат рамзидир

Umadan umagacha

Тошкентда 12 апрел куни “Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самардорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)” мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда унлаб мамлакатлардан 400 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, дипломатлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табрик хати йўллади.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Р.Х.Қодировни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига янги мuddатга тайинлаш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Нью-Йорк давлат университетидида “Глобаллашув иқтисодиёти ва иқтисодий тафаккурнинг глобаллашуви” мавзuida илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман доирасида Ўзбекистон Республикасининг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси Президент Ислам Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобининг тақдимотини ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Маданият ва санъат кўргазмаси залида “Банкэкспо-2010 банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари” миллий кўргазмаси доирасида “Замонавий ахборот технологиялари асосида янги банк хизматларини жорий этишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш масалалари” мавзuida семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси депутатлари, Марказий банк, тижорат банклари, ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Пойтахтимиздаги “Dedeman Silk Road” меҳмонхонасида Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ҳамкорлигида 2003-2010 йиллар мобайнида амалга оширилган “Меҳнат бозори талабларига йўналтирилган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касбий таълим” лойиҳаси якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Касб-ҳунар коллежлари жамоалари қатнашган ушбу АКТ фестивалида ўзбек ёшлари АКТ жабҳасида ҳам ҳеч кимдан асло кам эмасликларини намойён этдилар.

Бухорода республика Байналмилал миллий-маданий маркази, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан “Биз — шу Ватан фарзандларимиз!” мавзuida анжуман ўтказилди. Тадбир доирасида миллий-маданий марказлар вакилларининг тасвирий ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

Харян штатининг Гургаон шаҳрида Ўзбекистондаги сайёҳлик имкониятлари бўйича маълумотлар олишга мўлжалланган ахборот марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Марказ Ҳиндистоннинг “SKG Tours” ва “VRS International” туризм компаниялари томонидан Ўзбекистоннинг “Galaxy Global” компанияси ҳамкорлигида очилди.

АКТ ва журналистика

Ўзбекистон Миллий университетидида журналистика соҳасидаги ахборот технологияларига бағишланган талабаларнинг биринчи анъанавий медиа конференцияси бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, UZINFOCOM маркази, Журналистлар ижодий уюшмаси, Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, республика миздаги етакчи телевидение дастурлари, газета ва интернет нашрлари, университет ва факултет раҳбар ва мутахассислари ҳамда талабалар иштирок этди.

Конференциянинг биринчи қисмида журналистика факультети талабалари оммавий ахборот воситаларига боғлиқ долзарб мавзуларда тақдимотлар қилишди. Жумладан, “ОАВ ва жаҳон иқтисодий инқирози. Ким зарарла?” мавзусида Милена Наринян ва Фарҳод Толипов, “UzNet — Ўзбекистон интернет зонаси шарҳи. Босма ОАВ ва уларнинг элек-



трон шакллари” мавзусида Музаффар Дурдиев, Валерия Гринюк, Азиза Элмуродова ва Аббор Исмоилов, “Анъанавий ОАВ ва Интернет. Келажак ким томонда?” мавзусида Асқар Имомхўжаев, Рашид Тўраҳонов ва Бобур Обидовлар маълумотлар асосида ўз қарашларини баён этишган бўлса, Бекзод Маҳаммадбеков ва Жамшид Намозовлар талабалар сайтларини атрофлича шарҳлаб беришди.

Фойдаланувчилар ўртасида

кенг оммалашган uff.uz, brand.uz, 12.uz, gazeta.uz ва www.uz сайтлари вакиллари ҳам конференция меҳмони бўлишди ва ўзларининг АКТ соҳасидаги малака ва тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Жумладан, brand.uz ва pr.uz порталлари муаллифлари талабалар учун мастер-класс намойиш этишди.

Конференция доирасида 15 йўналишдаги (“Энг яхши талабалар сайти”, “Энг яхши интер-медия”, “Энг яхши тақдимот”, “Энг яхши гоё”, “Энг яхши савол”, “Энг яхши блог”, “Энг яхши спикер”, “Энг яхши модератор”, “Энг яхши ташкилотчи”, “Энг яхши ҳамкор”, “Энг яхши ахборот ҳамкори”, “Бизнинг илҳомчимиз”, “Йил профессионали”, “Интернет технологиялари соҳасидаги энг яхши ўқитувчи” ва “Томошабин меҳри соврини”) номинацияси голиблари аниқланиб, уларга сертификат ва ҳомийларнинг совғалари топширилди.

Собит АҲАДОВ,
«Xabar» мухбири

Суратда: Тадбирдан лавҳалар



Дастурлаш соҳасидаги энг йирик кўргазма-форум

Шу йилнинг 18 май куни Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон дастурчиларининг миллий форуми, 19-20 май кунлари Тошкент ахборот технологиялари университети ҳудудида “BEST SOFT UZBEKISTAN-2010” дастурий маҳсулотлар Миллий кўргазмаси ўтказилади. Ушбу тадбир республика мизда дастурлаш соҳасидаги энг йирик кўргазма-форум воқеаси ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда бутунжаҳон дастурлаш саноатини қўллаб-қувватлаш масалаларига давлат сиёсати даражасида қаралади. Ушбу кўргазма-форум Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йилги алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг муҳим тадбирлар рўйхатида киритилган.

Туртинчи бор ўтказилаётган “BEST SOFT UZBEKISTAN-2010” кўргазмаси ва форуми кенг жамоатчилик ва мутахассисларни мамлакатимизда дастурий таъминот йўналишида амалга ошириладиган лойиҳалар ва тажрибалар билан таништиради.

Кўргазмада 50дан ортиқ компанияларнинг иштирок этиши кутилмоқда. Стендлар

BestSoft

UZBEKISTAN

500 кв.м майдонни эгаллайди. Дастурчилар форумида эса 200 нафардан ортиқ мутахассислар иштирок этишади.

Кўргазма дастури анча тигиз кўриниш олган. Унинг доирасида 15 семинар, 10та мастер-класс белгиланган. Шунингдек, “Дастурий маҳсулот — йил маркази”, “АТ-таълим йўналишида энг яхши компания”, “2009 йилда жорий қилинган энг яхши лойиҳа”, “Энг яхши талаба лойиҳаси”, “Энг яхши инновацион маҳсулот” номинацияларида танлов голибларини аниқлаш ва тақдирлаш маросими ҳам ўтказилади.

“BEST SOFT UZBEKISTAN-2010” форум-кўргазмаси доирасида ташкил этиладиган қатор акциялар, ахборот технологиялари мутахассислари меҳнат ярмаркаси ҳам ёшларни безътибор қолдирмайди.

Батафсил маълумотни <http://www.bestsoft.ictp.uz> сайтдан олиш мумкин.

Самарқандда семинар

Самарқанд шаҳридаги компютер технологиялари ва гидромелиорация коллежида аҳолида ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқув-семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан шу йилнинг март ойида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта-махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда “Баркамол авлод йили Давлат дастури”ни амалга ошириш доирасида давлат муассасалари ходимлари, маҳаллий ҳокимлик органлари мутахассислари, талбиркорлар ва аҳоли учун ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўқув

курслари ва семинарлари ўтказиш юзасидан қарорлар қабул қилинган эди. Ана шу қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган семинарда асосан ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарувида қўллаш, АКТнинг иқтисодиёт ва жамият ривожланишидаги ўрни ва аҳамияти, ҳукумат порталининг мақсад ва вазифалари, унинг тарихи, портал архитектураси тўғрисида тушунчалар берилди.

ZiyoNET тармоғининг таълим жараёнида АКТдан фойдаланишдаги ўрни ва аҳамияти, веб-сайтлар, ахборот хавфсизлигига йўналтирил-

ган таҳдидлар ва улардан муҳофаза қилишнинг чора ҳамда усуллари, Ўзбекистонда электрон тижорат ва уни ташкил этиш, электрон тўлов ва уни ривожлантириш ва шу каби бир қатор замон талабидаги долзарб мавзуларда маърузалар тингланди.

Бир ҳафта давом этган семинар якунида тингловчилар тест синовларига жавоб бердилар.

Тест синовларида Қўшработ педагогика коллежи ўқитувчиси Аҳмад Холбоев, Иштихон туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис коллежи ўқитувчиси Одил Ҳайдаров, Пайариқ хизмат кўрсатиш коллежи ўқитувчиси Санжар Равшановлар юқори кўрсаткичларга эришдилар.


*Абдуқафур ҲОТАМОВ,
“Хабар”нинг Самарқанд
вилоятидаги мухбири*

Жанубда “Алоқабанк” биноси

Термиз шаҳрининг Навоий кўчасида очiqқ акциядорлик тижорат “Алоқабанк”нинг Сурхондарё филиали биноси қурилиши бошланди. Бу иш “Тошсикдиккуват” ишлаб чиқариш бирлашмасининг хўжалик ҳисобидаги бошқармаси бунёдкорлари томонидан амалга оширилмоқда.

Миллий ва замонавий мейморчилик аъёнлари асосида қад ростлайдиган бу истиқлол иншооти “Баркамол авлод йили”да фойдаланишга топширилади.

*Нортожи ЗИЁЕВ,
“Хабар”нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири*



Юксак маънавият соҳибби

Буюк давлат арбоби, саркарда, фотиҳ Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни бекиёсдир. Амир Темур ибн Муҳаммад Тарағай Барлос — мард, довжорак, мохир дипломат, етук сиёсатчи, ботир саркарда, буюк давлат арбоби каби кўплаб хислатларга эга шахс бўлган.

Салтанатни эгаллаш ёки яратишдан кўра, уни тутиб туриш мушкулроқ бўлгани боис буюк сиёсатчилар аввало ўз давлатининг ҳуқуқий-маънавий асосини яратишга уринишган. Амир Темур ҳам шундай ҳукмдорлар қаторига киради. Бу ҳол соҳибқироннинг “Тузуқлари”да яққол намоён бўлади.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 674 йиллиги республикамизда кенг нишонланди.

Андижон вилоят гарнизони тасарруфидаги 53765-ҳарбий қисмда Республика маънавият тарғиботи маркази Андижон вилоят бўлими, Бобур номидаги ахборот-кутубхона маркази, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва Давлат университети, Тиббиёт институти, Муҳандислик-иқтисодиёт институти билан ҳамкорликда “Соҳибқирон Амир Темур — юксак маънавият соҳибби” мавзуйида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда тарихчи олимлар улуг саркарданинг ҳаёт ва фаолияти бўйича манбаларда акс этган ҳамда акс этмаган қизиқарли маълумотларни бердилар. Ҳарбий қисм хизматчилари ва аскарлари бобокалонимиз тўғрисидаги ўзларини қизиқтирган саволлари билан олимларга мурожаат қилишди.

Тадбир якунида аскарлар ҳарбий қисм кутубхоначиси томонидан тайёрланган “Амир Темур — буюк саркарда” номи алабиётлар кўргазмасидан баҳраманд бўдилар.

*М.ШОКИРОВА,
Бобур номидаги Андижон
вилоят ахборот-кутубхона
маркази сектор мудири*

Халқ даҳоси тимсоли

Табиаат хар бир инсонга тақдирга битилган салоҳият, ақлу зехн, нодир тафаккур, шиддату шижоат ато этади.

Кимки ана шу инъомни қадрлаб, парварিশлаб, унинг моҳиятини қанчалар тез анласа ва бутун кучини уни рўёбга чиқаришга сарф эта олса, ўша инсон бахтлидир. Шунда унинг шижоатидан жонажон миллати баҳра олади. Туғилган юрти аҳолисининг кўкраги тоғдай кўтарилди, номи эса жаҳон тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилади. Соҳибқирон Амир Темур ана шундай зотлар сирасига киради.

Саркарда Амир Темур таваллудининг 674 йиллигига бағишланиб Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар гарнизони офицерлар уйида анжуман ўтказилди. Кечани Термиз гарнизони офицерлар уйи ходими, майор Б.Хўжаёров очди. Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси бош мутахассиси З.Ғойипов буюк саркарда Амир Темур

ҳаётидан қизиқарли маълумотлар айтиб берди. Жанубий операцион йўналиш хотин-қизлар кўмитаси раисаси Салтанат Юсупова бобокалонимиз ҳақидаги шеърларини ўқиди. Сурхондарё вилоят Адиб Собир Термизий номидаги ахборот-кутубхона ходимлари ҳам тадбирда фаол иштирок этишди. Кеча қатнашчиларига Термиз гарнизони офицерлар уйи томонидан фахрий ёрлик ва совғалар топширилди.

Шунингдек, вилоят ахборот-кутубхона марказида ҳам саркарда Амир Темур таваллудининг 674 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Термиз шаҳар 2, 15, 6-мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари иштирок этишди.

Кеча жудаям сермазмун ва қизиқарли ўтди ва вилоят телевидениеси орқали ёритилди.

*Д.САЙТОВА,
Сурхондарё вилоят Адиб Собир
Термизий номидаги АКМ ахборот
библиография бўлими мудири*

Ucell савдо белгиси остида хизмат кўрсатувчи “COSCOM” компанияси Иккинчи жаҳон уруши фахрийларини қўллаб-қувватлаш учун акция ўтказмоқда. Акция Хотира ва Қадрлаш кўни ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллик айёмига бағишланган.

UCCELLнинг хайрия акцияси

65 йил — бу катта муддат, уруш пайтида хизмат кўрсатган фахрийларимизни биз ҳар доим хотирлаймиз ва қадрлаймиз. Биз оғир уруш йўлларини босиб ўтиб, келажак авлод учун яшаб, ўз тақдирини белгилаш имкониятини яратиб берган инсонлар олдида қарздормиз. Ва бизнинг бурчимиз — уларга имкон қадар ёрдам беришдир.

Агар қўлдан келганича ёрдам кўрсатиб, ўз миннатдорчилигинингизни билдирмоқчи бўлсангиз, \$ 0,20 қийматида 0770 рақамга ёки \$ 1 қийматида 1770 рақамга СМС жўнатишингиз мумкин (КҚС ўз ичига олган ҳолда).

Акция натижасида йиғилган маблағларнинг барчаси “Нуроний” Республика фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилади.

“Нуроний” жамғармаси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилувчи уруш қатнашчилари ва қарияларни қўллаб-қувватлайди, уларга маънавий, моддий ва тиббий ёрдам кўрсатиб келади.


Ucell компанияси www.uce11.uz сайтида хайр-эҳсон этилаётган ҳамда СМС хайрия акцияси ёрдамида қабул қилинган маблағларнинг кириш ва чиқимлари бўйича олиб борилаётган маълумотларни чоп этмоқда.

Хайрия акцияси 2010 йил 8 апрелдан 30 апрелгача давом этади.

“Мелмур тузуқлари” дан

Очиқ юзлик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узокроқда бўлишга интиладим.

Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорлиқни унутиб, хизмат вақтида ўз соҳибидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим.



Xalqaro
hayotХИТОЙ ҒАРБИДА
ЗИЛЗИЛА

Хитой ғарбидаги Цинхай провинциясининг Юйшу уездида содир бўлган кучли зилзила қурбонлари сони 400 кишидан ошди, 800дан ортиқ одам жароҳатланган.

Рихтер шкаласи бўйича 7,1 баллик ер силкинishi маҳаллий вақт билан 07:49 да содир бўлган.

Уезддаги аксарият иншоотлар, тураржойлар яроқсиз ҳолга келган, электр таъминоти ва қисман алоқа узилиб қолган.

Худудда қидирув-қутқарув ишлари олиб бориляпти.

АХОЛИ КЎЧИРИЛДИ

Исландия жанубида вулқон "уйғониши" хавфи бор худуддан 800га яқин киши эвакуация қилинди.

Вулқонга минтақада кузатилаётган зилзилалар сабабчи бўлиши мумкин.

Ҳозир хавфли худудга элтувчи барча йўллар ёпилган ва вертолёт орқали вулқон ўрни доимий кузатувда.

ТИНЧ КИШЛОҚКА
ХУЖУМ

Покистонда мамлакат ҳаво кучларининг шанба кунги авиазарбалари оқибатида Афғонистонга чегара худудда яшовчи 73 фуқаро ноубул бўлган. Бу ҳақдаги хабарни ҳукумат расман тасдиқлади.

Аввалига ҳарбийлар бу хужум жангариларга қаратилганини билдиришганди.

Кейин маълум бўлишича, бомбардимончи самолёт учувчиси йўналишни адаштириб юбориб тинч қишлоқни ўққа тутган.

ЭНГ ҚУЛАЙ ШАҲАР

Tree Hugger тадқиқот компанияси Нью-Йорк (АҚШ)ни пиёдалар ҳаракати учун энг қулай шаҳар, дея эътироф этди.

Шаҳар маъмуриятининг пиёдалар учун қулайлик яратиш йўлидаги кўп йиллик саъй-ҳаракати туфайли ана шундай натижага эришилди.

КУЁШ САМОЛЁТИ

Швейцарияда куёш энергиясида ҳаракатланадиган самолёт синовдан муваффақиятли ўтди.

Solar Impulse номли мазкур лайнер 1000 метргача баландликка кўтарилган ва бир соатдан кўпроқ вақт давомида парвоз қилган. Лайнерни тўртта электр мотор энергия билан таъминлайди. Уни бошқарган учувчи Маркус Шерделнинг айтишича, парвоз чоғида ҳеч қандай муаммо бўлмаган.

Одам боласининг гул баргидаги бир томчи шудринг сувидай тиник ёшлик даври кишига гўзал афсонадай, соғинч ва хаяжонли ўйларга йўғрилиб, ўша ўз атрофидаги маконни калбан кашф этаётган илк ёшлик даврига кайтариб, бир муддат бўлса ҳам ўша тотли ёшлик туйғулари билан яшашга, болаликнинг бекиёс кечинмаларини ташналик билан вужудда қайта кечирish эхтиёжи инсонга тинчлик бермаётган бўлса не ажаб!



1943 йил. Ака-ука фронтда дийдорлашди.

Ёшликнинг мунгли хотиралари

Қонхўр аждрҳодай миллион-миллион инсонларни ўзининг ўтли домига тортган жаҳон уруши жиззахлик Бўрибой Султоновни ҳам айни ўйнаб куладиган давр 16 ёшида ўз бағрига чорлаб олди.

...Уруш борган сари қизигандан-қизиб бораётган дамлар эди, — дея эслайди Бўрибой бобо мунгли ўй суриб. — "Ҳамма нарса фронт учун" деган шиор остида тонг отгандан шомга қадар далада ишлаймиз. Шунда ҳам қорнимиз тўйиб овқат емаётган кунларнинг бирида, ишдан қайтаётсак, қўшни болалардан бири менга "повестка" келганини айтиб қолди.

1942 йилнинг январ ойида, айни қаҳратон қишда Россиянинг Пугачёв шаҳрига келиб тушдик. Ундан кейин Москванинг Теквада деган жойида уч ой милтиқ ва автомат ушлагани, йиғишни, отишни ва окоп қозишни машқ қилдиришди. Беш юзтача аскарлар ичида энг кичиги ва бўйи пасти ҳам мен, милтиқ кўтарсам учи ерга тегади, автомат кўтарсам оғирлик қилади. Шундан кейин нимжонроқсан деб "связист" қилиб олишди. Шу-шу бўлди-ю жангларда энг олдинда юриб, жанг бўлиб ўтган майдонлару шаҳарларда, окоплар ичидан тросли, ғалтакли телефон симини, ясаб олган мослама ёрдамда боргли машинага ортиб, катта тезликда тортиб чиқамиз. Бир ярим йилча шундай ишларни қилиб юрдим.

...Кунларнинг бирида, ярим кечаси, уч кишини ширин уйқудан тургазиб, қаергадир олиб кетишди. Шу кетишда Белоруссиянинг Минск шаҳрига бориб тушдик. Шаҳарда қаттиқ жанг кетарди. Бир ҳафтача телефон алоқаларини ўрнатдик, афсус, шиддатли урушдан, гранаталар ёмғиридан тортилган симлар ҳам узилиб кетаверди.

Шундай кунларнинг бирида командир бизларни қақриб тепадан махсус топшириқ борлигини, бу ишни фақат биз қила олишимизни ишонч билан уқтирди. Гурӯҳ раҳбари Борисга сургучланган конверт узатиб, борадиган манзилни тушунтирди. Мамлакат тақдирини ана шу хатдаги ҳужжатга боелик эканлиги, сир ошкор бўлса ўзимиз-ку майли, бутун уруғ-аймоғимиз халқ душмани деган тамға олиб бадарга қилиниши-

ни айтди. Ва яна, қўлга тушганда ёки тирик қолишнинг иложи бўлмаган ҳолатда пакетдаги ҳужжатни қандай қилиб ичга ютиб юборишни кўрсатди.

Кечаси йўлга тушдик. Қандай бўлмасин, немислар орасидан йўл топиб, манзилга етиб боришимиз керак. Ўн километрдан кўпроқ ҳам юрган эдик, қўққисдан пистирмада турган фашистлар сезиб қолишди. Қочдик. Автоматлар, қўл пулемётлар тилга кирди. Шерикларимга қараганда анча ёш, енгил бўлганим учун тез югурдим. Анча олдинлаб кетибман. Орқага қарасам ҳамроҳларимнинг иккиси ҳам ер билан битта бўлиб ётибди. Зудлик билан ортга эмаклаб бордим-у, ўқ ёмғирлари остида пакетни олиб қайтдим ва окоплар ичидаги ўликлар орасига яшириндим. Шу ётишда эртаси кунни кечаси йўлга чикдим. Фақат эмаклаб юришнинг имкони бор, холос. Ҳар дақиқада прожекторнинг ёруғи келиб тушади. Тирик инсон у ёқда турсин, итми ёинки мушук ўтиб кетса ҳам ўша жой ўқлар бўрони остида қолади. 25 километрча жойни уч кун кечаси босиб ўтдим. Тўртинчи кунни саҳарда ўзимизникилар жойлашган манзилга тахминан яқинлашдик. Ўқлар визиллаганча бошим узра ўтиб кетарди. Бунга жавобан пистирмада турганлар ҳам ўқ отишарди. Бир пайт орқа томонимда снаряд портлади. Бутун танам қизиб кетди. Мингларча ўқларнинг дарахтга, темирга тегиши, бомбаларнинг зувиллаганча портлаши, бақирлар, чанг, тутун, порох ҳиди, ярадорларнинг дод-фарёли жанг майдонини тутиб кетди. Худди жаҳаннамнинг ўзгинаси... Ура! Ура! деган овоз эшитилди узокдан, кейин нима бўлганини эслаб олмайман...

Кўзимни очсам госпиталда эканман. Қимирлаганимни кўриб ҳамшира югуриб келди. Гапирай десам, озгим очилмайди. Нимадир халақит берарди, қийналиб кетдим. Шунда қўлимга бир парча қоғоз ва қалам беришди. "Конверт", деб ёздим. Кейинчалик айтиб беришларича,

олиб келган хатим бўлмаганда "атакага" рухсат берилмас ва ўша жанг-да галаба қозонилмас экан. Мен ўзимдан жуда ҳам мағрурландим ва олти ой ичида оёққа туриб кетдим.

— Шу ерда яна бир гапни айтмай, — дейди Бўрибой ота. — Катта акам Музаффар Султонов ўша йиллари армия сафида хизмат қилаётган эди. Уруш бошлангандан бир ҳафтача ўтиб жангга кирган ва ўша кунийёқ ҳалок бўлган. Кейинги акам Мансур Султонов 1941 йили урушга кетди, бир йилдан кейин мен ҳам жўнадим. 1943 йилнинг ёзида жангтоҳда акам Мансур билан учрашиб қолдик. Командирлар рухсати билан бир кун акамнинг ёнида юрдим. Шунда акам, биз эртага бормизми-йўқимизми деб,

суратга тушишга ундади. Суратқаш ёнига бордик. Пулимиз йўқ. Акам кетишида отам берган, қўлида дои-



Набиралар ардоғида.

мо тақиб юрадиган соатини берди. Суратга тушидик ҳамда Ўзбекистондаги уй манзилни ёзиб бердик ва албатта ота-онамизга юборишини қайта-қайта тайинладик.

— Мана ўша расм, — дея қўлимга тутқазди Бўрибой бобо. — Қонли урушдан ёдгорлик. Уни ёшликдан хотира сифатида ҳанузгача олиб юраман.

1945 йилнинг июл ойида Жиззахга қайтиб келдим. Бир ҳафта ўтмасдан ҳарбий бўлимга қақришди ва уч йил ўша жойда ойлуксиз, бир бурда қора нон учун ишлаб бердим. Ўшанда яна бир нарсага гувоҳ бўлдимки, мен колхозимиз раисининг 24 ёшли ўғли ўрнига қонли жангтоҳга бориб келган эканман. Ҳозиргача бундан асло ўкинганим йўқ. Аммо, одамни одам ўлдириши ўта қабиҳ иш. Худодан тилагим, ҳеч бир тирик зотнинг бошига бу иш тушмасин. Инсонга ажал келмаса жаҳаннамдан ҳам тирик қайтар экан... 1950 йиллардан кейин бизга ҳам радиоузеллар кела бошлади. Биринчилардан бўлиб, мутахассис сифатида монтерлик ишини бошладим. Кейинчалик шаҳардаги 2-АТСда электромонтёр бўлиб ишладим. Уруш сабаб бўлди-ю, бир умр алоқа соҳасида меҳнат қилдим. Мен бундан фахрланаман. Ҳозир 90 ёшга яқинлашдим. Турмуш ўртоғим билан олти ўғил, уч қизни вояга етказдик. Улардан эса, 50 нафар неварга, 25 нафар чевараларимиз бор. Бахтли инсонлардан-миз.


Толбегон ЭРТАШЕВ,
"Хабар"нинг Жиззах
вилоятидаги мухбири

Тўпчи бобо

Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 65 йиллиги муносабати билан жойларда турли тadbирлар ташкил этилмоқда. Бирок, бешафкат ўлим Иккинчи жаҳон урушида иштирок этганларнинг сафини тобора сийраклаштирмоқда. Суронли йиллардан бугунги кунимизга эсон-омон етиб келган оппоқ соқолли Бозор Очиловнинг тарих чизиклари саналган юзларидаги ажинлар ўша муҳим кунлар хотираси бўлса, ажаб эмас.



Аскарлик.



Нуронийлик.

Бозор Очилов 1926 йилнинг 10 майида Косон туманининг Дарча қишлоғида таваллуд топди. Оилада икки фарзанд бўлиб, отаси оддий колхозчи эди. Тақдир экан, отаси у эндигина етти ёшга тўлганда бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Онаси хўжалик ишлари ва ўша пайтдаги ўзига тўқ кишилар хизматини қилиб, қора қозонни қайнатиб, болаларни катта қилди.

Бозор ака қишлоқ мактабига қатнаб, етти йил деганда саводини чиқарди. Уруш бошланиб, оталар фронтга жўнади. Олис ўлкаларда давом этаётган уруш ҳамма жойни бирдек таҳликага солди. 1944 йилда Бозор Очилов ҳарбий хизматга чақирилди. Икки ой Чирчиқдаги артиллерия захира полкида тайёргарлик машқларида қатнашди. Уруш майдони — Брест шаҳрига келди. 1-Белоруссия фронтда бўлди. Орадан кўп ўтми артиллериячилар қаторида Германияга жўнатилди.

— 1945 йилнинг 8 май кунини Германиянинг Элба дарёси бўйида ҳарбий тайёргарлик

машқларини бажариб турганимизда, радио орқали уруш тугагани тўғрисида хабар берилди, — деб эслайди Бозор бобо. — Бу энг қувончли хабар эди, қичқирқлардан осмон ларзага келди. Ҳамма бир-бирини бағрига босар, кўпларнинг кўзида ёш, қуролларини кўтариб олган юришар, ҳатто ярадорлар ҳам ўзида куч тўплаб атрофга, осмон фалакка қараб шукрона қиларди. Икки кун деганда ҳам тўп овозлари тинмади. Ғалаба нашидаси белгиси сифатида ўқ овозлари бутун оламни қамраб олди. Эндигина йигирма ёшда эдим. Фронтда кекса ёшлар ҳам кўпчилиқни ташкил этар эди. 1945 йилнинг баҳоридан кексалар, ярадорлар демобилизация қилина бошланди. 1950 йилгача Германияда бўлдим.

Гарчи уруш тамом бўлган бўлса-да, ҳарбий жиҳатдан тайёргарлигимиз сусаймаган, олдинда қилинадиган ишлар кўп эди. Вайронагарчиликлар, бедарак кетганлар, қўлсиз-оёқсиз қолганлар, жабрдийдалар....

Бозор Очилов олти йил деганда ўз юртига қайтди. Суронли йиллар дахшатини унуттиш осон бўлмади. Омон қайтганлар озчиликни ташкил этар, жигаридан айрилган оналар, бева қолган аёллар йиғини кўнглини тиларди. Кунларнинг бирида Бозор акани ҳарбий кийимда кўрган ички ишлар идорасининг ходими ишга таклиф этиб қолди. Фелдъегер сифатида ишга қабул қилинди. Кейинчалик катта фелдъегер, фелдъегерлик хизмати бошлиғи лавозимида самарали меҳнат қилди. Қарийб 35 йиллик

меҳнат фаолияти давомида ҳалол ва виждонан ишлаган Бозор бобонинг кўксини кўплаб орден ва медаллар беساب, хизмати муносиб баҳоланди.

Бозор Очиловга 2009 йил 3 июлда Беларус Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси И.С.Сокол “65 год вызвания Рэспублікі Беларус ад нямецка-фашысцкіх захопніка” юбилей медалини топширди.

Бозор ака турмуш ўртоғи Махфират Набиева билан ўн бир фарзанднинг ота-онаси бўлишди. Фарзандлари турли соҳаларда самарали меҳнат қилишмоқда. Бир этак набира ва эваралар қуршовида бўлган қахрамонимиз омон-омон кунларга етганидан беҳад бахтиёр.

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, — деб кўзига ёш олади Бозор бобо. — Урушни биз кўрдик, бошқалар кўрмасин. Тинч кунларнинг қадрига нима етсин. Замонимиз тинч, юртимиз обод. Бу кунларимизга кўз тегмасин. Меҳнатим юқори баҳоланди, доим эъзоздам. Фарзандларим камолини, юртимизнинг жамолини кўрдим, топганларим меҳнат ортидан қадр бўлди.

Бозор бобо сингари юртдошларимизнинг заҳматли меҳнати, амалга оширган ишлари бугунги соҳа ходимлари, мутахассислари учун ибрат мактабини ўтамоқда. Албатта, умрини эзгуликка, халқига бахшида этаётган бу каби инсонлар доимо эътиборда бўлиб қолаверадилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

Отахонлар

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида бошқа касб вакиллари қатори алоқачилар ҳам ватанимиз тинчлиги учун жанг қилганлар. Бугунги кунда Андижон вилоятида ҳарбий муҳорабалар иштирокчилари — алоқачиларнинг тўрт нафари ҳаёт. Уларнинг икки нафари избосканлик. Яқинлашаётган байрам муносабати билан Пойтуғ почта алоқаси тармоғи раҳбари Мирзамаҳмуд Саримсоқов ва ўринбосари Абдугофур Хирмонов билан отахонлар хонадонларига ташриф буюрдик.

Ҳовлиларда баҳор нафаси ҳукмрон, гуллар, турли кўкатлар, дов-дарахтлар яшнаб турибди, кўриб баҳри дилингиз очилади, ҳаммаёқда Наврўз нафаси. Уруш иштирокчилари — отахонлар билан учрашувларимиз ҳам хурсандчилик, яхши кайфият билан ўтди.

Тешабой ота Шодмонов 1922 йилда туғилган. Урушнинг дастлабки кунларидан ҳарбий хизматга сафарбар этилган, Чехословакиянинг Братислава (ҳозир Словакия пойтахти) шаҳрини озод этишда иштирок этган. Бир неча марта ярадор бўлиб, госпиталда даволаниб, яна жангга кирган.

Урушдан кейин 1945-1969 йиллар жамоа хўжалигида, 1969-1980 йиллар Туячи алоқа бўлимида ишлаб пенсияга чиққан.

Отахоннинг бир ўли, бир қизи, 9 нафар невараси, 10 чевараси бор. Кўёви Иброҳимжон бир муддат почтада сараловчи бўлиб ишлаган.



Тешабой Шодмонов.



Ҳалимқори Эрматов.

Ҳалимқори ота Эрматов ҳам 1922 йилда туғилган. Урушга 1942 йили 22 июнда сафарбар этилган. Отахон асосан Ленинград қамали давридаги жангларда қатнашган. Борган йили энгил ярадор бўлиб, госпиталда даволанган. Яна қисмга қайтиб жанговар ҳаракатларда қатнашган. 1943 йил февралда миная дуч келиб, осколқадан қаттиқ жароҳатланган, биттаси чап кўрагини тешиб ўтган, иккинчиси чап қўл панжасининг ишламай қолишига сабаб бўлган. 1943 йил охирида 1-гуруҳ ногирони сифатида армиядан қайтарилган. 1945 йилгача Избоскан туманидаги бошланғич мактабда ўқитувчилик қилган.

1945-1950 йилларда почтачи бўлиб ишлаган. 1950 йилдан кейин Қизилқўприк, Жоно-

бод ва Деҳқонобод алоқа бўлимларини бошқарган. Почта тизимида 1986 йилгача ишлаб, кейин пенсияга чиққан.

Ҳалимқори отанинг 5 ўғил, 3 қиз фарзандлари бор. Олтитаси олий маълумотли, турли соҳаларда меҳнат қиладилар. 27 нафар невара, 5 чевара боболари ва бувилари атрофида гирди-капалак.

Тешабой ота билан ҳам, Ҳалимқори ота билан ҳам суҳбатимиз давомида яққол сезилиб турдики, улар урушнинг дахшатли хотираларини тилга олишни истамасдилар. “Биз кўрдик, энди сизлар кўрманглар, тинч осойишта яшанглар!” Улар кейинги авлодларга ўзлари кўрган нарсаларни раво кўришни хоҳламадилар.

Пойтуғ почта алоқаси тармоғи раҳбарлари бошқа фаол отахонлар ҳолидан ҳам доимо хабар олиб туришди. Байрамларда яна алоҳида йўқлашади. Почта тармоғи зарур ҳолларда мошқий ёрдам, турли таъмирлаш ишларига кўмак кўрсатади. Қисқаси, туман почта ходимлари отахонларнинг оила аъзоларидек бўлиб қолган. Почтада меҳнат қилаётган ёши катта ходимлар отахонларни усто деб иззатлайдилар. Отахонлар ўзлари яшаб турган маҳалларда ҳам алоҳида эътиборда.

Тешабой ота ва Ҳалимқори ота қайтишимизда юртимиз тинчлиги-осойишталиги, давлатимиз равнақини тилаб дуо қилдилар. Албатта, бу табаррук инсонларнинг дуолари ижобат бўлғай!

Раҳмонжон УЗОҚОВ,
“Хабар”нинг
Андижон вилоятидаги мухбири

Международный семинар

Nokia Siemens Networks

В Ташкентском университете информационных технологий состоялся международный семинар, организованный компанией «Nokia Siemens Networks» с целью ознакомления студентов, преподавателей университета, а также специалистов отрасли с последними инновационными продуктами и решениями в области телекоммуникаций.

«Nokia Siemens Networks» — ведущий мировой поставщик телекоммуникационного оборудования и услуг для операторов связи. Компания, штаб-квартира которой находится в г. Эспоо (Финляндия), осуществляет свою деятельность более чем в 150 странах мира. Она предоставляет весь спектр инфраструктурных продуктов и решений в области мобильных и фиксированных сетей связи и удовлетворяет растущие потребности на сопутствующие услуги, насчитывая в своем штате около 60 тысяч специалистов по всему миру.

На семинаре выступили ведущие эксперты «Nokia Siemens Networks» из центральных офисов компании в Стамбуле, Москве, Киеве, Ташкенте.

В ходе семинара было отмечено, что «Nokia Siemens Networks» работает с большинством операторов фиксированной и мобильной связи Узбекистана, предоставляя широкий спектр телекоммуникационных оборудования и решений для операторов связи.

Также было сообщено, что компания планирует в сентябре 2010 года в Ташкенте в рамках Недели ИКТ «Infocom-2010» провести семинар с привлечением руководителей европейских офисов ведущих международных мобильных операторов, где будут продемонстрированы новейшие технологические решения в области телекоммуникаций.

Пресс служба УзАСИ

В настоящее время, в области образования происходит процесс создания оптимальных условий для удовлетворения информационных потребностей.

Комплексы виртуальных работ

Поэтому одним из факторов повышения эффективности профессиональной подготовки будущих специалистов является широкое внедрение информационных технологий в современную образовательную систему. Инновации, используемые в процессе ее формирования, приводят к расширению и развитию новых педагогических методов и приемов, изменению стиля работы преподавателей, а также к разработке и реализации новых образовательных технологий.

Программы типа Maple, Mathcad, MatLab, Multisim, LabView, PSPICE и др. сейчас настолько совершенны, что являются незаменимым инструментом в работе технического специалиста. Они позволяют, с одной стороны, сделать очень наглядным изучение теоретического материала, а с другой — подготовить обучаемого к работе в реальной лаборатории, обучая его методике планирования и проведения экспериментов.

В Научно-техническом обществе радиотехники, электроники и связи в рамках проведенных научно-исследовательских работ были разработаны комплексы виртуальных лабораторных работ по электронике и основам телекоммуникаций. Первый комплекс, посвященный виртуальной электронике, включает более пятидесяти работ по таким разделам, как аналоговая, цифровая и силовая электроника. В качестве примера можно привести следующие лабораторные работы: «Исследование биполярного транзистора», «Исследование вольт-амперной характеристики GTO-тиристора», «Исследование трехфазного инвертора», «Вольт-амперная характеристика IGBT-транзистора» и другие.

Второй комплекс посвящен проведению лабораторных практикумов по системам связи и передачи информации, включающих разделы моделирования и анализа, модуляции и демодуляции сигналов, моде-

лирования каналов связи. В качестве примера можно привести такие наименования работ, как «Спектральное представление сигналов», «Проектирование фильтров нижних и высоких частот», «Исследование процесса дискретизации сигнала».

«Исследование амплитудного модулятора», «Исследование фазового детектора», «Исследование корректирующей способности кодов BCH» и т.д. Все лабораторные работы имеют подробные методические указания, содержащие краткие теоретические сведения, порядок выполнения, контрольные вопросы.

Результаты научно-исследовательских работ внедрены в таких учебных заведениях, как Чирчикское высшее танковое училище, Ташкентский государственный технический университет, Ташкентский автомобильный институт, Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта.

Также для более глубокого понимания принципов работы с виртуальными комплексами были выпущены вперые книги на государственном языке «Matlab асослари» и «Виртуал электроника».

М.МИРКАМΟΛОВА

«ТОЛЬКО ЦИФРЫ» МАРТ 2010

Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM (www.uzinfocom.uz) предлагает ознакомиться с ежемесячной статистикой за март 2010 года, которая содержит аналитические данные по доменной зоне «UZ», угрозам в доменной зоне «UZ», по сайтам государственных органов, а также по основным направлениям деятельности Центра.

№	Показатель	Значение	Прирост за месяц	Прирост за год
Доменная зона «UZ»				
1	Активных доменов UZ	10 158	+1,5%	+6,4%
2	Активных доменов UZ с хостингом	7 148	+5,3%	+7,5%
3	Активных доменов UZ второго уровня с хостингом в Узбекистане	2 868	+4,7%	-2,0%
Сайты госорганов				
4	Официальных сайтов госорганов онлайн	109	+0,9%	+0,0%
5	Совокупная доступность сайтов госорганов, в %	92	-1,1%	—*
Информационная безопасность				
6	Активных угроз в доменной зоне UZ	15	0,0%	—*
7	Участников программы UZ-CERTified	264	+3,1%	+2,3%
Пользователи uForum.uz				
8	Пользователей uForum.uz	6 607	+4,8%	+16,0%
9	Активных пользователей uForum.uz	970	-4,0%	-4,2%
Сайты и общая посещаемость по данным каталога WWW.UZ				
10	Сайтов в каталоге WWW.UZ	4 739	+1,3%	+4,2%
11	Сайтов в каталоге WWW.UZ с доменом UZ	3 782	+1,4%	+4,6%
12	Сайтов в Топ-рейтинге WWW.UZ	3 216	+2,6%	+3,4%
13	Хостов по всем сайтам Топ-рейтинга WWW.UZ	2 827 017	+15,2%	—*
14	Хитов по всем сайтам Топ-рейтинга WWW.UZ	32 628 149	+18,1%	—*
Образовательные ресурсы сети Ziyonet				
15	Сайтов в каталоге Ziyonet	1 584	+1,1%	+3,4%
16	Сайтов-сателлитов Ziyonet	1 158	+12,1%	+24,2%
17	Материалов в библиотеке Ziyonet	14 778	+2,5%	-7,4%
18	Публикаций на портале Ziyonet	8 674	+0,5%	+4,0%
Другая статистика				
19	Пользователей на ID.UZ	6 790	+6,0%	+20,0%
20	ГИР** в реестре reestr.uz	157	0,0%	+1,9%
21	ГИС*** в реестре reestr.uz	70	0,0%	0,0%

* Прирост за год для данных значений не вычисляется, т.к. оно не является накопительным

** Государственные информационные ресурсы

*** Государственные информационные системы



Единый оператор связи «Билайн» (ООО «Unitel» и СП «Buzton») подводит

промежуточные итоги действия уникальной бонусной программы «Beeline Club».

«BEELINE CLUB»: ПЕРВЫЕ ИТОГИ

Напомним, что в рамках первой части проекта, стартовавшей 18 февраля, абоненты со значительными затратами на услуги связи получили доступ к новому уровню сервиса и целому ряду привилегий, среди которых множество ценовых и неценовых предложений на услуги связи, а также подарки и скидки в партнерской сети «Beeline Club».

Спустя всего две недели был запущен второй этап программы, открывший мир бонусов от «Билайн» всем активным абонентам компании. Со 2 марта 2010 года каждый клиент «Билайн», отправив бесплатный запрос *777#, может подключиться к «Beeline Club», получив первые 20 бонусных баллов в подарок. Дальнейшие баллы начисляются за привычное пользование услугами «Билайн»: зарегистрированные участники программы теперь не только тратят, но и зарабатывают бонусы, общаясь по телефону.

«Мы ценим всех наших абонентов, и хотим, чтобы они чувствовали особое отношение со стороны своего оператора, — сказал коммерческий директор по развитию массового рынка «Unitel» Марат Сериков. — Партнерская сеть бонусной программы растет по всей стране, и это идет только на пользу ее участникам, расширяя мир привилегий от «Beeline Club».

Программа «Beeline Club» развивается стремительными темпами, объединяя на сегодняшний день десятки тысяч абонентов «Билайн». В дальнейших планах — подарки, розыгрыши призов и множество других сюрпризов от компании. Кроме того, бонусные баллы дают возможность каждому абоненту дойти до уровня Gold и Platinum, получив соответствующие карты привилегий.

Дополнительную информацию о программе «Beeline Club» можно узнать по номеру 07777.

Хабар + TV

O'ZBEKISTON

Профилактика

- 14.55 Курساتулар дастури.
15.00 «Ҳадилинома».
15.40 «Ватанпарвар».
16.20 «Дибр».
16.40 «Икки дарё оралигида».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Кузгуси».
«Болалар сайраси»:
17.35 «Эртақлар - яшиллик атаклар».
17.50 «Сизнинг адвокатиңиз».
17.55 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Қайтар дунё».
18.50 «Менинг оилам».
19.15 «Ифтихор».
Баркамол авлод йили ҳаётимнинг янги «саҳифаси»ни очди. Коллеж битирувчиси сифатида «ЎЗИ-Термиз» филиалига ишга қабул қилиндим. Филиал техник бўлими бошлиғи Муҳиддин ака Дурдиев ёш электро-

Ўрганиб улғайсам дейман...

монтерга мисоли боғбондек муносабатда бўла бошлади. Натижада сеvimли касбим «дарахти» тез орада «амал ола» бошлади. Шундай қилиб «Сўз боши — ассалом, иш боши — интизом» нақлининг моҳиятини илғай олдим. Ҳозирда филиалнинг тажрибали кишиларидан ўрганиб улғаймоқдаман.

Баркамол авлод йили Давлат дастурида биз ёшларнинг ҳар томонлама вояга етишимиз учун зарур шарт-шароитлар яратиш алоҳида кўзда тутилган. Айниқса, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг шакли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантиришга эътибор қаратилгани қувонарлидир. Мен жамоамизнинг тажрибали мутахассислари сафида туриб бу каби мақсадли вазифаларни бажаришга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Дилмурод НОРМУРОДОВ,
«ЎЗИ-Термиз» филиалининг
техник бўлими электромонтери

Солиқ ва ахборот технологиялари

Бугун бирон-бир соҳа йўқки, юқори технологиялар, жумладан, ахборот технологиялари қўлланилмаётган бўлсин. Дарҳақиқат, ҳозир ахборот технологиялари инсоният тараққиётини белгилловчи воситага айланган, яъники, уни ривожлантирмасдан туриб иқтисодийetni ривожлантириш, уни қўлламадан туриб бирон-бир соҳала ўсишни орзу қилмаса ҳам бўлади.



Ана шу афзалликлари ҳисобга олиниб мамлакатимизда ҳам бу соҳани ривожлантиришга, уни жамият ва иқтисодийетнинг турли йўналишларида, биринчи навбатда, давлат органлари, корхона ва ташкилотларда жорий этишга киришилди. Жумладан, солиқ тизими ҳам бундан мустасно эмас.

Аввало шунини таъкиллаш керакки, республикамиз солиқ тизими ахборот технологияларини қўллаш борасида етарлича тажрибага эга. Хусусан, Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги веб-саҳифаси (soliq.uz) давлат органлари сайтлари орасида энг кўп фойдаланувчиларига эга сайтлардан биридир. Унда кўплаб зарур маълумотлар олиш билан бирга, интерактив хизматлардан фойдаланиш мумкин. Бу хизмат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатида олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига асосан ишлаб чиқилган. Унинг афзалликларидан бири — ҳокимиятлар хузуридаги Рўйхатдан ўтказиш инспекцияларининг солиқ хизмати органлари тақдим этадиган сўровномаларини за-

монавий интернет технологиялари ёрдамида тез, аниқ, сифатли қабул қилиш, сўровнома маълумотлари асосида янги рўйхатдан ўтаётган юридик ва жисмоний шахсларга ўша заҳотиёқ СТИР (солиқ тўловчининг идентификация рақами) берилишини таъминлашидир.

Маълумки, асосий бўлмаган иш жойидан даромад олган фуқаролар жами йиллик декларация асосида солиққа тортилади. Мазкур жараёнда ахборот технологиялари ҳам солиқчилар, ҳам фуқароларга қулайлик яратди. Бир қатор чет мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Австрия, Белгия, Дания, Финляндияда солиқ декларацияси электрон шаклда тақдим этиляпти. Унинг қулайлиги шундаки, декларацияни тақдим этиш учун худудий ДСИга бориш шарт эмас, ундаги маълумотлар ва ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини текшириш учун кетадиган вақт тежалди, декларация худудий ДСИ томонидан қабул қилинганлиги ёки унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозимлиги тўғрисидаги хабар солиқ тўловчига электрон хабар шаклида етказилади ва ҳоказо.

Солиқ тўловчилар, шунингдек,

интернетдан фойдаланиб жисмоний шахслардан олинмадиган даромад солигидан, шунингдек, ер, мол-мулк, қатъий белгиланган солиқ, пенсия бадалидан мавжуд қарздорлиги тўғрисида ҳоҳлаган пайтда маълумот олиш имкониятига эга бўлишди.

Жами йиллик даромадлар тўғрисида декларация тақдим этувчи жисмоний шахсларга декларация тақдим этиш, у асосида қўшимча ҳисобланган жисмоний шахслардан олинмадиган даромад солигини тўлаш муддатлари ва бошқа янгиликлар тўғрисида доимий маълумот (электрон хабар) бериб бориш имконияти яратилди.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияда келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси (ЭРИ) билан тасдиқланади.

Ботир ҚУДРАТОВ,
Тошкент молия институти
ССТ-3 гуруҳ магистри

Бу инсон оддий касб эгаси, ўз тақдирини ўзи яратган, отасининг ишини давом эттираётган алоқа соҳасининг бир вакилидир. Унинг тили ширин, сўзи юмшок, юртига меҳр-муҳаббатли.

Эл дуосини олиб...

Бу инсон “Илғор” маҳалласи (Тошкент шаҳри)даги 49-алоқа бўлимининг почтачиси Тошпўлат Орифжоновдир. Маҳалламиздаги ёш қари Тошпўлатни хурмат қилади.

Тошпўлат Орифжонов ўз вазифасини сидқидил бажаришдан ташқари, маҳалламизда тез-тез ўтказиладиган тадбирлар, ҳашар, тўй-маъракаларда фаол иштирок этади.

Тошпўлат Орифжонов вақти-вақти билан пенсияерлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб, белгиланган жафвал асосида уларнинг нафақаларини, обуначиларга газета-журналларни, хат ҳамда жўнатмаларни вақтида етказди.

Биз фахрийлар маҳалламиз аҳли номидан ўз касбинини севувчи, барчага бирдай меҳрли Тошпўлат Орифжоновга миннатдорчилик билдирамыз. Унга узоқ умр, сihat-саломатлик тиламыз.

Тухтасин ҒАНИЕВ,
меҳнат фахрийси
Шайхонтохур тумани

Информация — хабар, маълумот, ахборот, тушунча, тасаввур этиш каби маъноларни англатади. Бу термин асосан бирон-бир хабардаги янгилик, ахборот ёки ахборотни узатиш жараёни маъносини кўп ишлатилади. Демак, «информация» сўзи хабар ва ундаги янгилик, ахборот орасидаги боғланишни ва шунингдек, кимдан (узатувчи) кимгадир (қабул қилувчи) ахборотни узатиш жараёнини англатувчи терминдир.

Жамиятнинг ривожланиши, турли алоқа ва оммавий ахборот воситаларининг яратилиши (телеграф, телефон, радио, телевидение) бу терминга аниқ таъриф бериш, тобора ортиб бораётган информацияларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг янги усулларини яратиш вазифасини қўйди. Масалан, инсон томонидан тўпланаётган билимлар ҳақида XVIII асрда ҳар 50 йилда 2 марта, 1950 йилга келиб ҳар 10 йилда, 1970 йиллардан эса ҳар 5 йилда 2 мартадан ошган бўлса, бугунги кунда бу ҳолат ҳар доимгидан ҳам ортиб бормоқда. Информация билан ишлашни автоматларга юклаш вазифаси долзарб муаммо бўлиб қолди. Биринчи марта 1948 йили Калифорния технология институтида бўлиб ўтган мия фаолиятини анализ қилишга бағишланган симпозиумда Ж. фон Нейман “Автоматларнинг умумий ва мантиқий назарияси” деб номланган маърузасида информацияни қайта ишловчи автомат тузилишини таҳлил қилиб берди. Бу автоматнинг умумий тузилиши ҳозирги ЭХМлардек информацияни қабул қилувчи, сақловчи ва уни қайта ишлаб фойдаланувчига узатувчи блоклардан иборат бўлиб, дастур ёрдамида инсон аралашувисиз бошқариш кўзда тутилган эди. Бу ЭХМларнинг яратилиши томон қўйилган биринчи қадам бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярмида ЭХМларнинг яратилиши “Информатика” деб аталувчи янги бир фаннинг вужудга келиши ва ривожланишига тўртки берди.

Жамиятнинг ривожланиши, фан ва техни-

канинг тараққиёти катта ҳажмдаги ахборотларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу ахборотларни бир ерга тўплаб, тартибга солиш ва сақлаш, маълум бир соҳага тегишли ахборотни қисқа вақтда қилириб топиш муаммоси пайдо бўлди. Бу вазифани ўрганиш ва ҳал этиш информатика фани олдида турган асосий муаммолардан бири эди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда энг долзарб

Информатика ва жамият

муаммолардан бири — зарур маълумотни қилириб топиш муаммосидир. Агарда ўзингизга керакли ахборотни бир ёки икки сўз орқали қидирмоқчи бўлсангиз, қидирув тизимлари сизга минглаб ҳужжат манзилларини кўрсатиб беради. Шунинг учун ҳужжатларнинг тузилишини ва ўзига хос томонларини ҳисобга олувчи қидириш усулларини, тизимларини ишлаб чиқиш, ҳар бир қидирув тизимининг ўзига мос томонларини ўрганиш, тармоқни бошқарувчи дастурлар иш фаолиятини маълум даражада хабардор бўлиш керак.

Интернет қисқа тарихига қарамай, жуда катта маълумотларни ўзида жамлаган ва бу маълумотлар кун сайин, соат сайин ўзгариб боради. Ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилади, веб-саҳифалар, сайтлар ўчириб юборилади. Статистик маълумотларга қараганда, веб-ҳужжатнинг ўртача “умри” 100 кун бўлиб, сўнгра у ўзгартирилади ёки ўчирилади. Сайтлар эса ўртача 19 ойгача фаолият кўрсатар экан. Лекин ҳар бир са-

ҳифа ёки сайт ўзида яратилган даврига мос маълумотларни жамлаган ва шунинг учун ҳам у тарихий аҳамиятга ҳам эга. Мана шу ҳужжатлардан интернетда ҳужжатлар архивини яратиш госянин Брюстер Кахл илгари сурди ва 1995 йили Wayback Machine лойиҳасининг асосчиси бўлди ва 10 млрд.дан ортиқ саҳифани ўз ичига олган интернет-архив яратилди.

Жамиятнинг информатизациялашуви (ахборотлаштирилиши) атамаси Д.Бенк ва Е.Масудолар томонидан илк бор қўлланилган. У компьютерлар, информатика, электроника билан уйғунлашиб кетган жамият маъносини англатади. Ахборотлашган жамиятда жамиятнинг информатизациялашуви ижтимоий тараққиётнинг асосий қонунали билан бири ҳисобланади. Бу инсон фаолиятининг барча соҳаларига интелектуал меҳнат қуроли сифатида ахборотларни тезкорлик билан йиғиш, қайта ишлаш, жараён, воқеа ва ҳодисаларни моделлаштириш, уларни таҳлил қилиш имконини берувчи компьютерлаштирилган тизимлар ва бошқа информацияон технологиялар кириб келишини англатади.

Жамиятнинг ахборотлаштирилиши жамиятнинг компьютерлаштирилишига нисбатан кенг маънода тушунади ва ундан юқори босқич ҳисобланади. Бу босқичда компьютерлар ҳал қилувчи техникавий асосни ташкил этади. Бугунги кунда ривожланган давлатлар информатизациялаштириш жараёнини амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги фармони ва шу фармонни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси қарори мамлакатимизда ахборотлашган жамият қуриш томон қўйилган яна бир қадам бўлди.

Асқар ХОЛМУМИНОВ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қилдики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низо"нинг 49-бандига асосан:

"PROEKT-SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Наманган ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002831 рақамли;

"MAXPROFTEXTSTROYSERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Наманган ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002794 рақамли;

"SALIN FS UZBEKISTAN" шўба корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига асосан:

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0000197 рақамли;

- маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002432 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 12 апрелдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421 ва 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низо"нинг 45-бандига асосан:

"ANGRENNING CHEXRASI" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001941 рақамли;

"Шахрисабз телевидениеси" (Шахрисабз ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001495 рақамли;

"Нурота телевидениеси" (Навоий вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002687 рақамли;

"СИНЧКОР" хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг (Термиз ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001865 рақамли;

"АЛОҚА-ТЕЛЕ-ЛЮКС" хусусий корхонасининг (Қарши ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002406 рақамли;

"Сурхон электр алоқа маҳсул таъмирлаш" масъулияти чекланган жамиятнинг (Термиз ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001413 рақамли;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Granit" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси қошидаги "GRANIT" қурилиш-монтаж корхонасининг (Бухоро ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0000926 рақамли;

"PARKET-ELIT" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002383 рақамли;

"Алоқа таъмир таъминот" хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг (Қарши ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001970 рақамли;

"FAYZLI XIZMAT" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002523 рақамли;

"АЛОҚА ВА ТОЗА ENERGIYA TEXNOLOGIYALARI" шўба корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001757 рақамли;

"Талимаржон иссиқлик электр станцияси" шўба корхонасининг (Қашқадарь вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001338 рақамли;

"TASHSOTTA'MIRQURILISH" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002000 рақамли;

"Терра-Дон" хусусий корхонасининг (Қарши ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002022 рақамли;

"ТЕХКАФОЛАТ" хусусий фирмасининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқлари-

ни лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001597 рақамли;

"TEMIR XIZMAT" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002550 рақамли;

"Электр алоқа монтаж" хусусий кичик корхонасининг (Андижон вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001672 рақамли;

"FAYZ-TELEKOM" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002146 рақамли;

"PRONTO TELEKOM PLUS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002153 рақамли;

"Кароматилло-Файз" хусусий корхонасининг (Сурхондарь вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002255 рақамли;

"Кароматилло-Файз" хусусий корхонасининг (Сурхондарь вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002256 рақамли;

"Кароматилло-Файз" хусусий корхонасининг (Сурхондарь вилояти) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002257 рақамли;

"БОКИЕВ ЭЛМУРОТ ИСМАТОВИЧ" фирмасининг (Қашқадарь вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002434 рақамли;

"Mirjalol qurilish shirkati" хусусий корхонасининг (Бухоро вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002659 рақамли;

"CELL TECHNOLOGY COMMUNICATION" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002672 рақамли;

"CELL TECHNOLOGY COMMUNICATION" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002701 рақамли;

"ALOQA SHAMS SERVIS" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002682 рақамли;

"Ишонч" телерадиокомпанияси (Сурхондарь вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001446 рақамли;

"Марғилон шаҳар телевидениеси" (Марғилон ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001570 рақамли;

"ФАЗО" телевидениеси (Навоий ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001969 рақамли;

"PEYJING-PORT" (Тошкент ш.) шахсий радио-чақирув (пейжинг) тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0000938 рақамли;

Вобкент тумани маҳаллий телевидение "ОСИЁ" телеканали (Бухоро вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001850 рақамли;

"Шербод туман маҳаллий телевидениеси" (Сурхондарь вилояти) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001883 рақамли;

"Алоқа-А.К." хусусий тижорат ишлаб чиқариш корхонасининг (Гулистон ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002414 рақамли;

"AVTOTRANSSTROYMEXANIZATSIYA" ОАЖ "NAVOTYENERGO-ALOQA" шўба корхонасининг (Навоий ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001868 рақамли;

"АЛОҚА" хусусий корхонасининг (Самарқанд вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001401 рақамли;

"ENERGIYAMONTAJ" масъулияти чекланган жамиятнинг (Урганч ш.) кўчма радиотелефон (мобил)

алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001983 рақамли;

"Саноатпайвандлаш" масъулияти чекланган жамиятнинг (Сурхондарь вилояти) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001876 рақамли;

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "UZROSS-TECHNO" кўшма корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001887 рақамли;

"TOSHKENT TELEKOM MONTAJ" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001907 рақамли;

"FAROVON-DUNYO" хусусий корхонасининг (Навоий ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001953 рақамли;

"ИШОНКУЛОВ ЛУТФИЛЛА МУСТАФАКУЛОВИЧ" хусусий фирмасининг (Қашқадарь вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002282 рақамли;

"Алоқа хизмат нури" хусусий корхонасининг (Фарғона вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002271 рақамли;

"Алоқа хизмат нури" хусусий корхонасининг (Фарғона вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002272 рақамли;

"Алоқа хизмат нури" хусусий корхонасининг (Фарғона вилояти) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002273 рақамли;

"Энергопром Авто Строй" масъулияти чекланган жамиятнинг (Фарғона вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002289 рақамли;

"ИВЦ" ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамиятнинг (Навоий вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002339 рақамли;

"ANTES TELECOM" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002416 рақамли;

"НУРБОДО" фермер ҳўжалигининг (Навоий вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002708 рақамли;

"JURAKUL MIROB" сув истеъмолчилари уюшмасининг (Навоий вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002710 рақамли;

"GULNUR SADIRBAEVA" хусусий фирмасининг (Навоий вилояти) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002722 рақамли;

"VLADMODERNSTROY" хусусий корхонасининг (Самарқанд ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002829 рақамли;

"MUXANDIS TEXNIK SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002844 рақамли;

"MUXANDIS TEXNIK SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002845 рақамли;

"MUXANDIS TEXNIK SERVIS" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) халқаро телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002846 рақамли;

"ALINKOM TECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002861 рақамли;

"ALINKOM TECHNOLOGIES" масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) шахсий радио-чақирув (пейжинг, радиотелефоналоқа, трансли) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002862 рақамли;

"TVI CHIRCHIQ TELEVISION" масъулияти чекланган жамиятнинг (Чирчиқ ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001365 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 13 апрелдан бошлаб 10 иш кунига тўхтатилди.

FUTBOL

БАРЧАСИ СЎНГИ ТУРГА ҚОЛДИРИЛДИ

Осиё Чемпионлар Лигасининг 5-тур учрашувлари ўтказилди. Тошкентда «Пахтакор» клуби БААнинг «Ал-Айн» клубини қабул қилиб, 3:2 ҳисобида иродали ғалабага эришди. Учрашувда Одил Аҳмедов қаҳрамонга айланди.

«Пахтакор» — «Ал-Айн» — 3:2

Голлар: Одил Аҳмедов, 9, 11, 29 — Фарис Жума, 2, Илҳом Суюнов, 19 (автогол).

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда эронликларнинг қўли баланд келди.

«Сенаҳон» — «Ал-Шабаб» — 1:0

Шу тариқа, Тошкентнинг «Пахтакор» клуби «С» гуруҳида 9 очко жамғариб, карвонбошилиқни ўз қўлига олди. «Сенаҳон»да 8, «Ал-

Шабаб»да 7, «Ал-Айн»да 4 очко бор.

Миодраг Радулович шогирдлари гуруҳнинг сўнги учрашувини 27 апрел куни меҳмонда «Ал-Шабаб» клубига қарши ўтказишади. Ушбу учрашувда вакилларимизни дуранг натижа ҳам нимчорак финал босқичига олиб чиқади.

Яна бир вакилимиз — «Бунёдкор» эса сафарда «Ал-Иттиҳод» билан дуранг натижани қайд этди.

«АЛ-ИТТИҲОД» (С.Арабистонини) — «Бунёдкор» (Ўзбекистон) — 1:1.

Голлар: Муҳаммад Нур, 36-пен. — Анвар Солиев, 62.

Гуруҳдаги иккинчи баҳсда БАА вакиллари устун келишди.

«АЛ-ВАҲДА» (БАА) — «ЗОБ ОҲАН» (Эрон) — 1:0

«Зоб Оҳан» 10 очко билан плей-офф йўланмасини қўлга киритиб бўлди. «Ал-Иттиҳод»да 8, «Бунёдкор»да 7 очко бор. Сўнги турда мамлакатимиз чемпиони ўз майдонида гуруҳ аутсайлери «Ал-Ваҳда»ни қабул қилади. Бу учрашувда вакилларимиз ғалаба қозониши шарт, ammo бу натижа ҳам етарли бўлмаслиги мумкин. Жамоамиз тақдири исфаҳонликлар қўлида бўлади. Агар эронликлар «Ал-Иттиҳод»га мағлуб бўлсалар биз гуруҳдан чиқа олмаслигимиз мумкин.

Хуллас, «Пахтакор»нинг ҳам, «Бунёдкор»нинг ҳам тақдири сўнги турда ҳал бўлади.

TENNIS

Сабина — бош соврин соҳибаси

Республика Олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида теннис бўйича ўсмирлар ўртасида Халқаро теннис федерацияси мусобақалари тақвимидаги турнирда истеъдодли спортчимиз Сабина Шарипова ғалаба қозонди.

У финал учрашувда россиялик Маргарита Гаспарян билан куч синашиши лозим эди. Лекин рақиб теннисчи ҳал қилувчи беллашувда иштирок этолмади ва бош соврин Сабина Шариповага топширилди.

Моҳир теннисчимиз россиялик Екатерина Яшина билан дуэтда жуфтликлар баҳсида ҳам голиб чиқди.

TRIATLON

Осиё кубогида икки олтин ва бир бронза

Сингапурда ўтган триатлон бўйича Осиё кубоги мусобақасида спортчиларимиз Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Жаҳоҳир Юнусов ва Диёр Абдумўминов ёшлар ўртасида биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, Шоҳруҳ Юнусовга учинчи ўрин насиб этди.

MINI-FUTBOL

Бир ғалаба иккинчи ўринни тақдим этди

Ўзбекистон мини-футбол терма жамоаси Таиландда ўтказилган халқаро турнирда иштирок этди. Сапо шогирдлари турнирда куйидаги натижаларни қайд этди:

Эрон — Ўзбекистон — 2:1
Ўзбекистон — Аргентина — 5:2
Таиланд — Ўзбекистон — 3:1

Баҳсларда Эрон 9 очко билан 1-ўрини қўлга киритган бўлса, Ўзбекистон, Аргентина ва Таиланд терма жамоалари бир хил — 3 очкдан жамғаришди. Ўзаро ўйинлар натижасига кўра, эса вакилларимиз 2-ўринни қўлга киритди.

OG'IR ATLETIKA

Олимпия йўланмалари қўлга киритилди

Пойтахтимизда давом этаётган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон ўсмирлар ва қизлар терма жамоалари Сингапурда бўладиган II Олимпия ўйинларига иккита йўланмани қўлга киритишди.

Жорий йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда ёшлар ўртасида бўладиган II Олимпия ўйинларининг оғир атлетика беллашувларида саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтган мамлакатлар терма жамоалари куч синашади.

Йигирма тўрт мамлакатнинг икки юздан зиёд спортчиси қатнашаётган Осиё чемпионатида дастлаб ўн етти ёшгача бўлган ўғил-қизлар олимпия йўланмаси учун рақобатлашди. Қоидага биноан, йўланмалар спортчиларнинг умумий натижасига кўра юқори ўринларни эгаллаган терма жамоаларга берилди.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси вакили Муҳаммад Юсупов вази 94 килограммгача бўлган оғир атлетикачилар беллашувида даст кўтариш, силтаб кўтариш ва икки кураш бўйича учта олтин медални қўлга киритди. Зиёвуддин Кутбиддинов даст кўтаришда кумуш, силтаб кўтариш ва икки кураш бўйича бир жуфт бронза медалга сазовор бўлди. Ёш полвонимиз Мадийр Ибрагимов даст кўтариш машқларида кучли учликдан жой олди. Чемпионатда учта олтин, битта кумуш, силтаб кўтариш ва икки кураш жамғарган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси олимпия лицензиясини қўлга киритди.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда спортчимиз Марина Сисоева даст кўтариш, силтаб кўтариш, икки кураш беллашувларида жами учта бронза медалга эга бўлди. Бу натижа Ўзбекистон қизлар терма жамоасининг Сингапур Олимпиадасига йўланма олиши учун кифоя қилди.

«Ўзбекистон» спорт мажмуи мезбонлик қилаётган Осиё чемпионатининг иккинчи қисми — ёшлар ўртасидаги мусобақаларда йигирма ёшгача бўлган оғир атлетикачилар совринли ўринлар учун куч синашмоқда.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КЎЧИМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Ҳақим МУҲИТДИНОВ (Хайъат раиси)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ
Сувон НАЖБИДДИНОВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Жума куни чиқади

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 233-25-48; 233-80-20, 236-35-29. Факс: 236-36-42. E-mail: info@xabar.uz

Тахририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Xabar»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —

Реклама маттиларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

G-302 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 17425 нуска.

Баҳоси келишилган нархда. Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00. 1 2 3 4 5

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Тошкент ахборот технологиялари университети молия ва иқтисод ишлари бўйича проректори Улўғбек Хонкулова укаси

Ҳамид ХОНҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси ва бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор Улўғбек Хонкулова укаси

Ҳамид ХОНҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Андижон филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Балиқчи почта алоқаси тармоғи Чинобод алоқа бўлими бошлиғи

Иброҳимжон ЙЎЛДОШЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиали жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи, меҳнат фахрийси

Обид ота ҚАРАБОЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

ЭЪЛОН!

Учтепа тумани Чиланзор массиви Г-9А ҳадаси 2-уй, 76-хонадонда яшовчи Николай Тимофеевич Ерофеев номига 1993 йил 27 февралда берилган 01-01/14142-рақамли давлат ордери ва уй плани йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Қадимда бир хунарманд йигит ишлаб, пул топиб келиш учун ўзга юртга йўл олибди. Уни олис сафарга кузатар экан, отаси дуо қилибди ва дебди:

— Болажоним, сени Яратганнинг паноҳига топширдим. Шуни унутмагинки, саховатли ва мард одамни ҳамма ҳурмат қилади. Ваъданга вафо қилгинки, вафосизлик, сўзида турмаслик эр кишининг иши эмас. Эл корига ярашни бурч деб бил. Мунофиқ одамлардан эҳтиёт бўл.

Мабодо пул олиб келишингга имкон бўлмаса, хижолат бўлма. Биз учун энг кераги сенинг соғсаломат келишинг. Сафаринг давомда яхши-ёмонни кўриб, ҳаётни ўрганишинг биз учун энг муҳимидир.

Йигит кўп қишлоқларда бўлибди. Ўз хунари билан обрў-эътибор топибди. Саховатпешалиги сабаб, муҳтож одамларга ёрдам берибди. Бева-бечораларнинг ишини текинга бажарибди. Сўнг ота-онаси бағрига қайтишни ихтиёр этибди. Ишлаб топган пулларини белига боғлаб йўлга тушибди.

Баногоҳ қароқчиларга рўпара бўлибди-ю, улар йигитнинг бор пулини олиб, ўзини ўлдириб юбормоқчи бўлишибди. Йигит улар қўлидан қочиб, тўғри

Тилинг билан бир бўдсин дилинг

келган дарвозадан ичкарига кирибди.

Уй эгасига:

— Мен шаҳрингизда мусофирман. Юртимга кетаётган пайтимда қароқчиларга дуч келдим. Улар пулларимни олиб, ўзимни ўлдирмоқчи бўлишди. Ҳозир орқамдан қувлаб келишяпти. Илтимос, мени бу ерда эканимни айтманг, худо хайрингизни берсин, дебди ва пичан гарами орасига яширинибди.

Йигит айтганидай қароқчилар қувлаб, унинг ортидан киришибди ва уй эгасидан

RIVOYAT

ҳовлисига бирор одам кирган ёки қирмаганлигини сўрашибди.

Уй эгаси “йўқ, ҳеч қим кирмади” дебди-ю, қўл ва қўз ишораси билан йигит яширинган пичан гарамини кўрсатибди.

Ҳовлиқиб кирган қароқчилар унинг имо-ишорасига эътибор бермай, кўчага қайтиб чиқиб, йигитни қидириб кетишибди. Анча фурсат ўтиб, йигит гарам ичидан чиқибди ва йўлга тушмоқчи бўлибди.

— Мен сени ўлимдан кутқардим, — дебди уй эгаси. — Сен эса миннатдорчилик ҳам билдирмадинг.

— Агар қўлинг ва қўзларинг ҳам тилинг каби бўлганида эди, сендан миннатдор бўлардим, — дебди пичан орасида ҳаммасини кўриб турган йигит. — Сен тили бошқа, дили бошқа одам экансан. Бу одатингни ташла, зеро, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам бежавоб қолмағай.

Шундай дея йигит ўз йўлига равона бўлибди.

Гулабхор ҚАЙДАРОВА

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Бугунги кунда ҳаётимизни автомобилсиз тасаввур қила олмаймиз. Лекин биринчи двигателли автомобил қачон ташкил қилинганлигини биласизми? Бизга ёзиб юборинг.

“Хабар”нинг 15(916)-сонида эълон қилинган “Жаҳондаги дастлабки компакт дисклар қачон ва қайси компанияда ишлаб чиқарилган?” саволига жавоблар:

— 1982 йилдан компакт дисклар Германия заводларида тайёрлана бошланган. Аммо бу дискларни Apple Computer ҳамда Microsoft компаниялари оммалаштирган.

Компакт дисклар 1,2 миллиметрли поликарбонат қатламдан ясалади. Устига эса лок билан ҳимояланган юпқа алюминийли қатлам қопланади. Дискка маълумотлар спирал йўлаклар тарзида ётқизилади ва бу маълумотлар лазер нури ёрдамида ўқилади.

Эргаш МАТҚУРБОНОВ,
алоқа ходими, Тошкент шаҳри

— Жаҳондаги дастлабки компакт диск Германия заводларида 1982 йилдан чиқарила бошланган.

Ҳадича ОТАБЕКОВА,
Жиззах шаҳри

Табриклаймиз!

Сайидо Насафий номидаги Қашқадарё вилоят ахборот-кутубхона маркази жамоаси марказинг бош кутубхоначиси Людмила САДОВАНИ 58 ёшни қарши олиши муносабати билан табриклайди. Унга сихат-саломатлик, узоқ умр, меҳнат фаолиятида улкан зафарлар тилайди.

“Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиали жамоаси филиалнинг моддий таъминот гуруҳи етакчи муҳандиси Носиржон НУРМУҲАМЕДОВНИ кутлуғ 50 ёши билан самимий табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, ишларида ривож, фарзандлар роҳатини кўришликни тилайди.

“Сурхондарё Телеком” филиали жамоаси электралоқа бўлими муҳандиси Эшназар ХУДОЙНАЗАРОВНИ 50 ёши билан табриклайди. Унга оилавий тинч-тотувлик ҳамда мустаҳкам соғлиқ тилайди.

“ЎЗИ-Термиз” филиали ишчиси Анатолий АВДЕЕВ 55 ёшга тўлди. Уни филиал жамоаси азиз умрининг мана шу кутлуғ баҳори билан муборакбод этган ҳолда доимо соғу саломатлик ва хушайфиятда юришига истак билдиради.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси филиал қурувчи-муҳандиси Абдусамид ҒОҒУРОВНИ 60-баҳорни қарши олаётгани билан чин дилдан муборакбод этади. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахту камолини кўриб яшашликни тилайди.



Тургунбек Маҳкамзода олган сурат.

Учувчи сүтэмизувчи

- Кўршаполаклар уча оладиган ягона сүтэмизувчилардир.
- Инжилда номи зикр этилмаган биргина уй ҳайвони бу — мушук.
- Жонзодлар орасида фақат шимпанзе кўзгудаги ўз аксини таний олади.
- “Орангутан” сўзи баъзи Африка қабиалари тилида “жунглилик одам” маъносини билдиради.
- Тимсохлар чуқурроқ шўнғишлари учун тошларни истеъмол қилишади.
- Кутб айиқлари соатига 40 километр тезликда югура олади.

Ихтирочининг армони

- Телефон ихтирочиси Грэхем Белл бирор марта ҳам онаси ва рафиқасига сим қоқмаган. Сабаби улар қар бўлишган.
- Англиялик ёзувчи аёл Виржиния Вулф деярли барча китобларини тик турган ҳолда ёзган.
- Уолт Дисней болалигида уккини ўлдириб қўйган. Шу боис у барча мультфильмларида жониворларни тириштиришга ҳаракат қилади.

DASTURXONGA MARHAMAT

ВЕНГЕРЧА САЛАТ

Керакли масалликлар: 200 грамм қоқшоқ қолбаса, 100 грамм кўк булғор қалампери, 15 грамм тузланган бодринг, 100 грамм кўк пиёз, 250 грамм майонез, туз, мурч.

Тайёрлаш усули: булғор қалампери уруғидан тозаланади ва бўлақлаб кесилади. Қолбаса, бодринг, пиёз кубик шаклида тўғралади. Ҳаммаси аралаштирилади ва устидан майонез қуйилади. Таъбга кўра туз ва зираворлар қўшилади.